

## №20 сонли шартномаси

Фориш тумани    03.10.2022 йил    Лот №157918

« 14 » Октябр 2022 йил

Фориш туман Халқ таълими бўлими (кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбар С.С.Воққосов ва LABZAK BINOKOR MCHJ (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юрутувчи марказ раҳбари Ж.Хакимов мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачииинг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қўйидаги ишларни бажариш мажбурмиятларини олади:

**Фориш туман Халқ таълими бўлимига қарашли 19 мактаб биноси иситиши тизими жорий таъмир ишларини бажаради.**

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг маҳсулотидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 15 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30%и микдорида бунак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг 70% буюртмачига бажарган ишлари учун охирги, узил-кесил, хисобкитобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Газначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

### 3. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш хамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан суппудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишига йул қўйилган бўлса, буюртмачииинг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлигини ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи қўйидаги хуқукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хуқуқига эга.

#### 3.3. Буюртмачииинг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар туганланганилиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичida ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа

камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дарх, ол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хақ тўлаш.

#### **3.4. Буюртмачи қўйидаги хукуқларга эга:**

3.4.1. Хар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси узига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамда иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

#### **4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 24730000 (Йигирма тўрт миллион етти юз ўттиз минг) сўм ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини қўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20% миқдорида жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 %идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.2. . Бажарилган ишлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 %идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-кисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат қўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳукуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур

5.6. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмагандан, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

#### **6. Форс-мажор ҳолатлари**

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиди бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирилаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиқи бўлиб хисобланади,

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## **7. Низоларни хал этиш тартиби**

- 7.1. Мазкур шартномани бажарында юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон қадар музокаралар йўли билан хал этилади.
- 7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалда оширилганидан сўнг уларни Жиззах вилоятида жойлашган иктисадий судида кўриб чиқишига топширадилар.
- ## **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.**
- 8.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишида расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзоланиб, Фазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга эга бўлади.



8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйнадиги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган курулиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган, бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга карор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади,

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг хақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### "Пудратчи"

"LABZAK BINOKOR MCHJ "

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Тошкент ш Шайхонтохур

X/P 20208000705380868001

Банк: Транстбанк, Тошкент ш

Шайхонтохур филиали

ИНН: 308430345

МФО: 00491



МЧЖ раҳбари: Ж.Хакимов Ж.Хакимов

### "Буюртмачи"

Фориш тумани Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Фориш тумани Боғдон ш.

ш/x100022860082357092100075081

Банк: Тошкент ш Марказий банк

МФО: 00014 СТИР: 207 117 032

ОКОНХ: 97600

Фазначилик бўлинмаси номи

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ягона Фазна хисоб вараги

Фазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

Фазначилик бўлинмаси СТИР: 201 122 919

Бўлим мудири: \_\_\_\_\_ С.Воққосов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

VW1602187257

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: LABZAK BINOKOR MCHJ bilan tuzilgan pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Forish tumani xalq ta'limi tomonidan 14.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Forish tuman yuridik  
xizmat ko'rsatish  
markazi  
bosh yuristkonsulti**



**U.N.YAKUBJANOV**

17.10.2022



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ФоришХТБ мудири :

 С.Воккосов

12 » Октябр 2022 й

19 мактаб биноси иситиши тизими жорий таъмир ишлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид килиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг.

### МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 6

2022 йил 12 Октябр

Фориш туман.

Халқ таълими бўлими

(Бюджет ташкилоти номи, раҳбари)

2022 йил «7» июлдаги №2022-2-353-ХТ -сонли бўйргути билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қўйидаги таркибда

#### Қатнашдилар:

Фориш туман Халқ таълими бўлими баҳолаш танлов комиссиясининг раиси С.Воккосов

#### КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

- |            |   |
|------------|---|
| Ш.Синдаров | -Халқ таълими касаба уюшмаси бошланғич ташкилот раиси |
| Л.Исламов  | -Бош ҳисобчи  |
| О.Нуркулов | -Давлат харидлари бўйича гурух раҳбари                |
| З.Мехлиева | -Махсус таъмирлаш экспулатация бўлими бошлиғи         |
| З.Атабеков | -Бош иктисадчи  |

#### Кун тартиби:

19 мактаб биноси иситиши тизими жорий таъмир ишлари бўйича даъвогар ташкилотлар ўртасида ўтказилган электрон танлов якуни бўйича.

2022 йил 3 октябр куни лот №157918 электрон танлов натижаси бўйича энг паст нарх кўрсаткичи билан LABZAK BINOKOR MCHJ си ғолиб деб топилган ва 2022 йил 10 октябр санасидан электрон протокол расмийлаштирган бўлиб шукунга қадар танлов талабгор иштирокчилари томонидан этироzlар келиб тушмаган.

#### Қарор қиласи:

1. Фориш туман Халқ таълими бўлими томонидан LABZAK BINOKOR MCHJ-си 19 мактаб биноси иситиши тизими жорий таъмир ишларини бажариш бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу талабгор танлов мутлоқ ғолиби деб топилсин.

Ш.Синдаров  
(И.Ф.О.)

(Имзо)

Л.Исламов  
(И.Ф.О.)

(Имзо)

О.Нуркулов  
(И.Ф.О.)

(Имзо)

З.Мехлиева  
(И.Ф.О.)

(Имзо)

З.Атабеков  
(И.Ф.О.)

(Имзо)